Дилбар Донабоева

ТОНГГИ ШУДРИНГ

ШЕЪРЛАР

Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgari berilmalar miqdori _____	

ДИЛБАР ДОНОБОЕВА

ТОНГГИ ШУДРИНГ

ШЕЪРЛАР

ТОШКЕНТ - 2009

Қўлингиздаги мўъжаз шеърлар тўплами она-табиатга меҳри тўлиб тошган муаллиф Дилбар Донабаеванинг қалб ҳиссиётларидан бир томчи холос. У ҳаётни, тонгни севади. Унинг кетиб қолмаслигини оқшомгача ҳам ва яна, туни билан бедор кутишга ҳам тайёр... Бу унинг романтикаси ўта бой экани, бағри кенг, меҳри дарё аёл эканидан далолат беради. У одамларни умрни беҳуда ўтказмасликка, унинг ҳар лаҳзасини қадрлашга чорлайди. Табиатдаги ҳар бир ҳаракатдан ҳаётий фалсафа қидиради. Яхшиларга ҳурмат, ёмонларга нафрат кўзи билан қарайди, эзгуликни излайди.

Биз муаллифга ижодий баркамоллик тилаб қолар эканмиз, шеърлари доимо тонгги шудринг каби шаффоф ва беғубор бўлиб қолишига умид қиламиз.

Набижон ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

© «Lider-press» nashryoti, 2009 yil.
© «QOXIZ» МЧЖ ҚК

JIZZAX VILOYAT AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI
INV № 55995
« 25 » 08 2019 Y

МЕН ТУШИМНИ СУВЛАРГА АЙТДИМ...

Мен тушимни сувларга айтдим,
Сувлар очди гулгун нилуфар.
Мен тушимни тошларга айтдим,
Тош деганим товланди гавҳар.

Мен тушимни айтсам қишларга,
Оппоқ қорга экди бойчечак.
Мен тушимни айтсам қушларга,
Зар пат ташлаб, айтгин дер тилак.

Мен тушимни айтдим майсага,
Яшил нурдан қалбим қамашди.
Тушларимни айтсам тоғларга,
Олов пуркаб ўтлар туташди.

Мен тушимни осмонга айтдим,
Камалаклар олди ҳушимни.
Мен тушимни дўстимга айтдим,
У сувга айт, деди тушингни.

12812 SON 20 06 2017

ҲОЛАТ

Тонг отади.
Эриниб тураман
Ва оғир пардани сураман.
Чиқаман-у ҳаёт саҳнига,
Ёз ролимни ўйнай бошлайман.
Энг яхши аёлни тимсоли бўлиб,
Энг яхши онанинг тимсоли бўлиб.
Куламан, кўзимни ёшлайман,
Монолог ўқийман ҳисларга тўлиб.
Артист бўлиб, ролга кириб,
Ишда ҳам шу аҳвол,
Вазифам аниқ.
Айтадиган сўзларим тайин,
Ўз ролимни ўйнайман ёниб,
Лек чизиқдан чиқмайман.
Қийин!...
Қуёш ботди.
Пардани ёпдим.
Қоронғи кечага ёқаман чироқ.
Шунча яшаб, бир савол топдим:
Бошқа касб йўқмикан менга яхшироқ?

ҚУЁШ ЁНАР

Қуёш ёнар, ёнмоқда қуёш
Бу сир эмас шивирламангиз
Топинмангиз тўкмангиз кўз ёш
Бу оловни ўғирламангиз.

Қуёш ёнар, ёнмоқда қуёш
Тунларга ҳам сачратиб учқун.
Шу оловга берингиз бардош
Осмон бўлиб яшамоқ учун.

Қуёш ёнар, ёнмоқда қуёш.
Тутунлари сузиб юрибди.
Ачишганда осмон кўзлари
Секингина йиғлаб турибди.

ҲАЁТ

Ёруғ кунларим дилхуш,
Ойдин тунларим сархуш,
Қайдасан кўнглим?
Йўқ энди қайғу ташвиш,
Йўқ энди гапу миш миш,
Барисин кўмдим.

Бошқалар қайғурсинлар,
Бошқалар улгурсинлар,
Синмий диллари.
Бошқалар гапирсинлар,
Сўзларни шопирсинлар,
Куймай тиллари.

Кунлик ташвишга сотиб,
Мен ўзимни йўқотиб,
Яшабман бекор.
Ҳаёт қайта шайланиб,
Мени яна айланиб,
Келмас - ку такрор.

ОЙДИН ТУНДА

Тун эди ойдин,
Дилхуш саболи.
Куй келар қайдин?
Шўхчан наволи.
Ухламай уйғоқ,
Куйлаётган ким.
Жилдирар булоқ,
Тун тинглайди жим.
Қушлар уйқуда,
Дарахт мудрайди.
Ойнинг аксини,
Сувлар судрайди.
Осмон ҳайратда,
Пирпирар юлдуз.
Ухлар бу пайтда,
Сершовқин юлдуз.
Аслида булоқ
Куйлар уззукун.
Кун билмас бироқ
Билар эди тун
Шўхчан навонинг
Сеҳрига мафтун
Зилол булоқни
Севар эди тун.
Ҳамма, ҳаммани
Ухлатиб қўйиб,
Тинглар булоқни
Туйиб ва тўйиб.

ТЕМУР ДАРВОЗАСИ

Бу дарвоза очиқ, ҳамиша очиқ
Бу ердан энг катта карвонлар ўтган
Бир бирин қувиб, бир биридан қочиб,
Бу ердан на давру давронлар ўтган.

Бу ердан гоҳ ғолиб, гоҳида мағлуб,
Амирлар, хонлару султонлар ўтган
Илм излаб - топиб чин мочиндан
Қалб кўзлари очиқ инсонлар ўтган.

Йўловчилар тинмас кундуз кечаси,
Сангзор узанида тўфонлар ўтган.
Қонга чўмилганда Жиззах кўчаси
Бу ерда нолалар, афғонлар ўтган.

Қизил байроқ тикиб кўплар оғзига,
Ҳақиқат аталган ёлғонлар ўтган.
Бу ер дарозадир очиқ дарвоза,
Бу ердан баъзида "илонлар" ўтган.

Тўхта, эй, ўткинчи, тўхтагин бир зум,
Бу ер Темур номини этур овоза.
Ўтганларни эслаб кўзларингни юм,
Тушун, ҳамма ўтар, қолур дарвоза.

Бундан ўта туриб, ҳамиша ҳар он,
Қалбимда туяман улкан ғурурни.
Кимки ўтса бундан, яхшими омон,
Албат эслаб ўтган Амир Темурни.

КАМТАРИН ХАЛҚИМГА

Менинг камтаргина халқим, ўзбегим,
Қўш қўш орзулари туташ тўйларга.
Содда қалби билан йўл топа олар,
Замон чалкаштирган, чигал ўйларга.

Худо ярлақаган кунларга етиб,
Кўкси шамол кўриб, елкаси офтоб.
Гапни катта демас ўзидан кетиб,
Сиёсат талашиб қилмайди хитоб.

Меҳнатдан бахт топиб энтикиб юрар,
Дўпписини чаккасига қўяр қўндириб.
Бахтини кўнглига беркитиб қўяр,
Бирор иш бошласа қўяр дўндириб.

Эркин ҳаволардан нафасим эркин,
Бахтимдан ўргилай, мен ҳам ўзбекман.
Ўзбеклигим энди айтмасман секин,
Сизнинг бирингизман, мен ҳам сиздекман.

Тош келса кемириб, сув келса симмириб.
Борни барча бирдек кўрамиз баҳам.
Аслида шундадир бизнинг бахтиимз,
Ҳақиқий ўзбекдир юртбошимиз ҳам.

ГУЛ ФАСЛИ

Гул фасли бу муҳаббат фасли,
Ер гуллайди, осмон гуллайди.
Ишқ фаслида юраги бўшлар,
Ҳаммадан ҳам осон гуллайди.

Гуллар, гуллар оддий гуллармас
Ол мевадан нишонадирлар.
Ким муҳаббат мевасидирки
Муҳаббатга ишонадирлар.

Зада бўлди дил зимистондан
ўам керакмас, севинчлар керак.
Шўх кезаман қалб бўстонида
Сўз керакмас ўпичлар керак.

Изимиздан тиқилиб қолар
Шафтолилар ҳасса суяниб.
Бизни кўриб ўрик бўзарар,
Қизаради олма уялиб.

ХАЁЛ

Сиқимлади руҳимни тақдир,
Бир сиқим тупроққа айландим.
Кулиб сочди этганча тахқир,
Шамол элагида эландим.

Қаҳқаҳаси жаранглаб туриб
Аччиқ кўз ёши билан лойлади.
Олов ўчоғига жойлади.
Кўз очдим.
Ҳаётман.

Не қувонч
Тўёлмай тикилдим кунларга.
Қароғимда эриди қуёш,
Томчи бўлиб томди тунларга.

АНЖИР

Баҳор келиб, боғлар яшнайди.
Ранго ранг, кўз олгуч гуллари билан,
Бу гулларда ажиб сирлар яшайди,
Шивирлашиб ширин тиллари билан.

Бу сир севги сири яшириб бўлмас,
Ҳар дарахт ўз тилида сўйланаётир.
Лек улардан бири ҳеч гуллай олмас,
Бир чеккада маҳзун ўйланаётир.

Наҳот севги дарди унга юқмаган,
Наҳот севгиси йўқ, ёки тили йўқ.
Балки муҳаббатин тутади пинҳон,
Кўринг бу дарахтни, дона гули йўқ.

Балки қачонлардир гуллаган у ҳам,
Кимдир гулларини ўғирлаб қўймиш.
Меваларин кўриб, ҳангу-манг,
Баҳор хатосин ёз тўлаб қўймиш.

ТОНГ ОТДИ...

Тонг отди...
Нимани отибди?
Ён атрофга яхшилаб қаранг.
Куни бўйи излайман энди.

Топарманми?
Асаблар таранг.
Балки гул отгандир,
Балки мевадир.

Балки ғафлат томон,
Отган бир тошни.
Мен овора сарсон,
Ерда излабман,
У эса отибди.
Бизга қуёшни.

ШАМОЛ

Шамол каби ёнимдан ўтдинг.
Сесканиб силкинди шохларим,
Сездирмасдан титради танам,
Илдизларим пинҳон зирқирадилар.

Кўзимга урилди нафасинг ўтли,
Ҳавода эриди оҳларим.
Лек хушнуд ва яна мақтаниб,
Япроқларим шодон ҳилпирадилар.

Сен эса борйуғи шамолсан
Ўз йўлида юрган ўткинчи.
Кенг осмон фарзанди - хаёлсан
Безовта қилмагин, ўтинчим...

Ўсаётган ўйларим чалкаш.
Кўз тикканим қуёш ҳам узоқ.
Туйғуларим нақадар саркаш,
Тунлари ҳам шовуллар уйғоқ.

Бас демоққа етмайди кучим.
Баргларимни юламан бир бир
Шамол, сенда бор менинг учим
Қандай олгум, ёзмаган тақдир...

Нечук осмон ранги бузилган
Ёдга тушдинг яна шамол феъл.
Йўлларга сочилган, тўзиган
Баргларимни супургани кел.

УФҚ

Табиатдан шундай олиб андоза,
Уфққа тикилиб расм чизаман.
Табиат кўзимга кўринар тоза,
Қалбимда ҳаяжон, титроқ сезаман.

Нозик ғунчаларни орзуларим деб,
Бўяйман энг тиниқ, энг шаффоф рангга.
Самонинг бағрида беғубор булут,
Оппоқ кабутарни эслатар менга

Уфққа қизариб ботаркан қуёш,
Таьсиримга қараб қоламан ўйлаб.
Ёруғ бўлсин дея эртанги куним,
Уфқни қизилга қўяман бўяб.

КУЗ ЁМҒИРИ

Ёз бўйи унутиб ёмғирни
Яшадим, вужудим қайноқдир.
Бу қайноқ вужудда лек руҳим,
Ташнадир, ташналик қийноқдир.

Қайдасан эй, баҳор ёмғири,
Мадад бер, мен сени кутаман.
Олтиндан тўшайман поёндоз,
Сарғайган гулдаста тутаман.

Мана у, қақраган лабимга,
Томчилар узилар зўр-базўр.
Бир оғриқ урилар қалбимга,
Мунча шўр бу ёмғир, мунча шўр?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат раҳбарининг Ахборот-таҳлил марказининг Ахборот-кутубхона марказидаги
INV № 55995
«25» 08 2019
128/2
20/06
17

БОҒДА

Бу боғ кутубхона,
Дарахтлар китоб,
Япроқлар варақ.
Анҳор уни ўқиб, қилади хитоб,
Қушлар ўқишмоқда уйғониб барвақт.

Бу боғ кутибхона, дарахтлар китоб,
Ҳар варақда гўё қўшиқ битилган,
Лек бу қўшиқ қушлар тилида,
Ёмғирлар тилида,
Анҳор тилида,
Шунинг учун бу боғда
Куйлайди улар.

Менинг ҳам куйлагим келади жуда
Қушлар каби чаҳ-чаҳлаб,
Анҳор каби хайқириб,
Ҳеч бўлмаса ёмғир каби шивирлаб
Куйлагим келар.
Лекин япроқларни шунча варақлаб
Ҳеч ўқий олмадим,
Уқий олмадим.

ЛОЛА

Баҳор менга узатади бир пиёла май,
Ёниб турган муҳаббатнинг қайноқ майидан.
Лекин афсус, ҳароратдан қўлимга етмай,
Чатнаб кетди пиёласи тўртта жойидан.
Ҳаёжонла қолиб кетдим ишқ саробида,
Нега энди хафа булай, не учун гина.
Йуқ, насибам бордир ахир ишқ шаробидан
Қолибди-ку, ол япроқда бир томчигина

БЕШИНЧИ ФАСЛ

Дераза олдида турар бир аёл,
Кўз қараши сокин, қайғуси мубҳам.
Панд еганми бехос, ё чарчоқ, беҳол
Сержилва бағрига тортолмас олам.
Мафтун қила олмай гул тўкди баҳор,
Ёз мевалар боғин фақат у кезмас.
Кўзнинг товланиши, кўз ёши бекор,
Қор учқуни юлдуз, фақат у сезмас.
Шунда табиат ҳам қолди жим ва лол,
Бир аёл қалбини ром этолмайин.
Унинг юрагига йўл топиш маҳол,
Бешинчи фаслни яратиш қийин.
Лекин мен яратгум, ишлатмай буёқ
Ва хил хил мевалар тўкмасдан ерга.
Гоҳ йиғлаб, гоҳида бўлиб дилсиёх,
Аёздай кирмайман мен ҳеч қаерга.
Фақат мен руёби бўлгум хаёлнинг,
Чечаклар ўсади қалбларни ёриб.
Энг яқин кишиси бўлиб аёлнинг,
Бир оғиз сўз дейман ёнига бориб.

ШОХИНАГА

С.Есенин хотирасига.

Тун осмони каби кўзларинг қаро,
Ёниб ёниб кўринади унда юлдузлар.
Хаёлчан кезаман қаро тун аро,
Уйларимга эса фақат кундузлар.

Тун осмони каби кўзларинг қаро,
Сеҳрли эртаклар менга сўйлайди.
Қаро кўзларинг тиқилиб гоҳо,
Фикрим кимларнидир бедор ўйлайди.

Тун осмони каби кўзларинг қаро,
Сеҳрлайди мени кундан кун аммо
Мен уни биламан, кўзлари мовий,
Қуёш нури билан ёришган само.

Тун осмони каби кўзларинг қаро,
Беун тикилади оламга тўйиб.
Нечун яшаяпсан гўзал қаро кўз,
Ҳамон қуёшингни қалбингга кўмиб.

ИЛТИЖО

Ватан тупроғини кўзимга суртдим,
Қора экан қароғим бўлди.
Йўл ёқалаб юрган дарахтлар,
Чангга ботган оёғим бўлди.
Гул сўрасам бермишлар тикан,
Қайтармадим, яроғим бўлди.
Липиллайди хаста юрагим,
Гуё сўнгги япроғим бўлди.
Мени ташлаб кетма, муҳаббат!

Суянгандим бир улкан боғга,
Тераклардан титроқ юқтирдим.
Ишқ излаган дил телба бўлди,
Ишқдан аввал фироқ юқтирдим.
Оқу - қора ранглар ичида,
Қораликни кўпроқ юқтирдим.
Муҳаббатни дард деб тушундим,
Шу сабабки гуноҳ юқтирдим.
Мени ташлаб кетма, муҳаббат!

Ҳамма ёқдан оқ сўз ёғилди,
Мендан ўзга ёмон қолмади.
Тана дашном ўқлари гирён,
Мендан ўзга нишон қолмади.
Муҳаббат ҳам, нафрат ҳам ошкор,
Бирор туйғу пинҳон қолмади.
Севмас эдим бундай яшашни,
Лекин ўзга имкон қолмади.
Мени ташлаб кетма муҳаббат!

Кетсанг агар қайтиб келмагин,
Келгунингча ҳароб бўламан.
Мени эзмоқ қасдида бўлар,
Келгунингча шароб бўламан.
Далаларга ҳайдар бешафқат,
Қишда қолиб яхоб бўламан.
Келгунингча тор бўлгум балки,
Бармоқларда музроб бўламан.
Мени ташлаб кетма муҳаббат!

АТИРГУЛ

Деразамдан бир гўзал қиз,
Кузатади кечаю кундуз.
Бир зумга ҳам кетмайди нари,
Хаёлим ҳам ундадир бари.
Кундуз нурга чулғанар
Оловланар, чулғанар.
Тун.
Осмонда ой кезар.
Кўланкасин киргизар,
Ўзи қолар, киролмас,
Бетоқатдир, кўролмас.
Кўзимга учрар таниш,
Танишдир.
Нега ташвиш.
Шубҳага бермайман эрк.
Шум хаёлга йўллар берк.
Лекин бу қиз, гўзал қиз,
Кўз тикиб менга унсиз.
Деразамнинг тагида,
Гул тутиб этагида.
Нишларини бекитиб,
Фақат кутар энтикиб.

ШОИРНИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ.

Усмон Носир хотирасига

Дардимдан туғилган боламсан шеърим,
Ичимга ютганим ноламсан шеърим.
Сен учун дунёда яшасам арзир,
Сен учун бир кураш бошласам арзир,
Бошлай хиёнатга қараш бир қараш.
Сўзини сотганлар чиқсин майдонга
Билмай инсонликни не учун яшаш
Ўзини сотганлар чиқсин майдонга
Қайга кетяпсиз жаҳолат бу ком.
Ўз юрт сотганлар чиқсин майдонга,
Боболардан мерос ўзбек деган ном.
Бахт - қўтни сотганлар чиқсин майдонга,
Ярадор жангчиликдек ингграб ёздим шеър.
Ярадор жангчидек ўлимга иқрор.
Бу фисқу фасотлар нима деса дер,
Мен жанга кираман такрор ва такрор.
Жароҳатдан томган қоним сиёҳдир,
Шеър ёзмаслик энди мен учун гуноҳ,
Кўнглим ердан ўсган содда гиёҳдир.
Кўкданмас, тупроқдан излайди паноҳ,
Тупроққа қоришиб ўлсам майдонда,
Мени енга олса агар хиёнат.
Қандай чидайман мен, қандай чидайман,
Басирларга шеърим қолса омонат.
Хиёнат ўлмаса, яшаса омон,
Айланса дунёнинг суюклигига.
Чидолмам, чидолмам ҳеч қачон,
Қайта ўсиб чиққум суякларимдан.
Ҳаёт нима ўзи, нимадир тақдир,
Инсон инсонлигини билмаса агар.
Шеърларим руҳига сингиб бирмабир
Курашавераман қиёмат қадар.

БОЗОР

Ҳаёт бозорида сотилаётир
Бир оғиз сўз,
Бир сиқим сабр.
Виждон ҳозир жуда бозоргир.
Кимдир меҳр сотар.
Кимлардир жабр.
Ҳаёт бозорида сотилаётир,
Чақчайган кўз,
Уюлган қовоқ.
Табассуми қотган ғунча лаб
Бир жуфт ўпка ёнида.
Сотилади юрак, яъни қалб,
Кун қизийди, бозор қизийди,
Расталарда далол изғийди.
Мен ҳам эл қатори кездиму бозор,
Сотиб олдим фақат кунлигимга озор.
Ҳарқалай кулбамга қайтаман омон.
Лекин бу бозорда пулли ҳамёндай.

ТОЛИМ ТОЛИМ ҚАРО СОЧЛАРИНГ

Толим толим қаро сочларинг,
Тароғидан сачраган юлдуз.
Учқун отиб қуйдирди мени,
Соч тараса сен ўйлаган қиз.

Бу кун унинг қўлида қадаҳ,
Қўшиқ айтар сен учун сархуш.
Яни бир бор сен мени алда,
Кел, мен билан бирга рақсга туш.

Кўзим ёши қўлди лиммо лим,
Томчисини тукмай ичаман.
Бугун сендан кечмоғим лозим,
Мен ўзимдан бугун кечаман.

ЗАМОНДОШЛАР

Замондошим, замонага боқ,
Қарама қаршидир, қара тўрт тараф.
Яшамоқ маъноси асли курашмоқ,
Курашиб яшащдир ҳаётий талаб.

Бугунги беғамлик эртага дарддир,
Бугун сўз айтмасанг эртага кечдир.
Бугун қаҳрамонлик аталган нарса
Эртага ҳеч нарса, эртага ҳечдир.

Бугун тугунидир кеча - эртанинг,
Тугун очилади, тугун тугинлар.
Кечаю бугунинг талаби эрта,
Ундовлар сўроқдек букилар.

Сиру синоатли бу ёруғ олам
Умр бу фурсатли ёки иноят
Ҳарқалай ҳушёрроқ яшагин, дўстим,
Бугунги хатойинг, эрта жиноят.

ОЛОВ

Кўзни алдашибди,
Ёлғон беаёв.
Одамлар ҳазилкаш
Ва яна қитмир.
Бутун ерни қоплаб олди деб олов
Содда қулоғига қуйибди кимдир.

Бор йўқ ёмғирларин тўкиб қолди куз,
Одамлар, асранглар ўтни, оловни.
Ёниб қолар деган умидда ночор,

ҲАЛИ БАҲОР ЭМАС...

Сойларнинг сувида сокинлик,
Ел ҳамон аллалар дарахтни.
Қуёш кенг осмонда муаллақ,
Булутлар беҳолдир, карахтдир.
Ҳали баҳор эмас.
Қорайган хазонлар тўзғийди,
Сарғаяр қишнинг оқ излари.
Боғларнинг уйлари изғийди,
Ўтган йил ёзлари, кузлари,
Лек бахори эмас.
Ҳавонинг таъмида сезилмас,
На қишу, на кўклам нафаси.
Куртаклар тўтқиндир,
Дарахтнинг
Мустаҳкам шох шабба қафаси.
Ҳали баҳор эмас...

ОҚИМ

Дарё келар олис тоғлардан,
Чўққилардан тушган сувлар келади.
Бошларини уриб неча тошларга
Ўзанлардан пишган сувлар келади

Дарёнинг бошида ўтирар булоқ,
Юрагидан сизган ёшлар оқади.
Дарёнинг тубида сезмайди биров,
Оқимнинг зўридан тошлар оқади.

УМР

Шабнамга бир оний умр берилди,
Унда бор мангуга арзирлик мазмун.
Тонг отмай борлиққа маржон терилди,
Ерда ғубор кўрмай қуёш ҳам мамнун.

Шамолга мангулик умр берилди,
Ўз мақсадин ўзи билолмай гаранг.
Гоҳ тўзон, гоҳ қуюн бўлиб керилди,
Қуёшга кўрсатиб Ерда гарду чанг.

АЁЛ СЕВГИСИ

Севги сурма бўлса, кўзимга сурсам,
Севги бўёқ бўлса, лабимга боссам,
Ёки ёқут кўзли исирға каби
Безак билиб қулоққа оссам.
Севги узук бўлса, қўлимга тақсам,
Рўмол бўлса бошимга бойлагудек
Атлас кўйлак бўлса кийганда ёқсам
Авайлаб сандиққа жойлаб қўйгудек.
Аёл бўлармиди сурмасиз аёл,
Узуксиз, сирғасиз, рўмолсиз аёл.
Аёл бўлармиди севгисиз аёл,
Гар аёл севгисиз, уволдир аёл.
Аёлнинг севгиси кўзида,
Аёлнинг севгиси қулоғидадир,
Аёлнинг севгиси сўзида,
Шамолга ёрилган дудоғидадир.
Аёлнинг севгиси қўлларидадир,
Ҳар кун нон ёпади ҳамир ошириб.
Аёлнинг севгиси бошида,
Қирқўрим сочини йиғиб-яшириб.
Эрига тикилиб борар ҳар ўйга,
Ўйларини деразага михлаб қўяди.
Аёл севгисини кияди тўйга,
Ва яна авайлаб тахлаб қўяди.

ЧАНҚОВУЗ

Чанқаган оғзимга чанқовуз босдим,
Энамни эсласам кўзда ёшим бор.
Ўтмиш ҳасратини қулоққа осдим,
Қалбда армон деган қаттиқ тошим бор.

Энамни эслатди менга чанқовуз,
Мен мунис энамга ўхшагим келди.

У кунлар ёдидан дил доғда ҳануз,
Бугун энам учун яшагим келди.

Чанқовуз босаман чанқоқ оғзимга,
Энамнинг очилмай сўнган ўн гули.
Армоним тош бўлиб келар бўғзимга,
Энам жанг кўрмаган солдатнинг тули.

Эна, яшадингиз бир умр ёниб,
Кимларни суйдириб, кимни куйдириб.
Чанқовуз куйини ичаман қониб,
Армоним бўғзимда турар куйдириб.

Ким танимас эди "Боғча хола"ни,
Иш бошига кўпдан олдин етдингиз.
Бағрингизга босиб тўртта болани,
Яхши кунлар кутиб ўтиб кетдингиз.

Чанқаган оғзимга чанқовуз босдим,
Энамни эсласам кўзда ёшим бор.
Ўтмиш ҳасратини қулоққа осдим,
Қалбда армон деган қаттиқ тошим бор.

ЙЎЛДА

Чайқалади яшил буғдойзор,
Каттагина қишлоқ ёнма ён
Ҳар юракда яшайди озор,
Бугун ким омондир, эрта ким омон.

Шаҳар томон узалган умид,
Торайиб бормоқда ёлғизоёқ йўл,
Йўл ёқаси очиқ буғдойзор,
Буғдойдан ҳам қўнғирбошлар мўл

Қовжираб пишади қўнғирбош,
Чекка уватларда мунғайиб
Кута кута бошоқларнинг сарғайишини,
Одамлар етилар сарғайиб. . .

Ҳали замон яхши кун келар,
Чайқалади ям-яшил бошоқ.
Қўнғирбошни туяр келилар,
Чайқалади қўнғиртус қишлоқ.

ҚЎНҒИРБОШ

Отам эртагида бир бола яшар,
Отасидан етим, онадан сағир.
Кўзимга кўринар, уч ё тўрт яшар,
Кўзимга кўринар, эзилар бағир.

У яшар отамнинг хотирасида,
Буғдойзор четида теради бошоқ.
Қора кунлар унинг ўз отасидир,
Қора тупроқ унинг онаси юмшоқ.

Ётли қароғида қора кун қотган,
Ким билар бу кўзлар нени ўйлайди.
Жулдур кийимчалар суягин ёпган
Яна у: қўнғирбош , дея куйлайди.

Чорраҳада қолиб йиғлайди ҳар тун,
Тошмеҳрлар эригунча йиғлайди узоқ.
Уни асраб ололмайди, ололмас ҳеч ким,
Отаси қора кун, онаси тупроқ

Эртак охирини эсламас отам,
Етаклаб кетдими қора отаси.
Етиб келдими шу ёруғ кунга,
Ё бағрига олдими қора онаси...

Отам юрагида яшар бир бола,
Биз ўша юракдан кўтарганмиз бош.
Отам юрагида яшар бир нола,
"Қўнғийбош, қўнғийбош, қўнғийбош..".

ОЙБАРЧИННИНГ ҚЎШИҒИ

Оқ тўшима сочим супурги,
Бу оҳимга сабабдир туртки
Эл ичида балолар чиқмиш,
Эй одамлар, мени ким туртди.
Кур-хайт-а, қўр-хайт, тўрамнинг оти,
Ургандан ёмондир турткининг оти.
Ўз юртида хор бўларми эл,
Ўз тилига зор бўларми эл,
Индамадик, индамай юрдик,
Яна йўқдан бор бўларми эл.
Айбсиз бўлса эгиларми бош,
Қонлар бўлиб тўкиларми ёш,
Кўксингизда юракми ёки
Қотиб қолган битта чағир тош.
Юрибсизми ўйсиз бош билан,
Дилда мудом алам, ғаш билан,
Юрагингиз суғириб олинг
Бошга уринг ўша тош билан,
Қур-хайт дейман, қур-хайт, тўрамнинг оти
Эшитсинлар зоримни алплар қаноти.
Етдим десам яхши бир кунга,
Ечим топсам қалбда тугунча.
Риё деган ўт тушди, ёндим,
Юрак бағрим тўлди тутинга
зга элни қабоҳат тутди.
Мен уларга кулганим йўқди,
Нечун эркин ҳаволаримда
Нафасимни шум хабар бўғди.
Қур-хайт дейман, қур-хайт, тўрамнинг оти.
Туёғингга темир михни ким қокди?
Эл алплари сизга не бўлди,

Эрқдай қутлуғ сўзга не бўлди,
Тик қарангиз олдинги кунга
Кўрмайсизми, кўзга не бўлди,
Қур-хайт дейман, қанот боғлагин,
Тугаган сабрингга сабот боғлагин.
Душманинг эрк уйин бузмоқчи бўлди,
Қайта қаср қургин бунёд боғлагин,
Қур-хайт-а, қур-хайт, тўрамнинг оти,
Ўзбекнинг эрк бўлар битта сифоти.

ОҚ ШЕЪР

Оппоқ шеър ёздим
Ҳеч бир сўзни бўямадим,
Фикрларни ҳам.
Нарсаларни бир бирига
Ўхшатганим йўқ.
Гуллар ерга боғланган
Капалаклармас.
Мен улар ҳидига
Бўлганим йўқ маст.
Лек бошим айланди салгина,
Ой ойдир.
Қуёшдир ҳамиша куёш.
Бу шабнам гулларнинг исирғасимас
Йўқ, айтманг.
У асло эмасдир кўз ёш.
Сизга суянаман,
Сизла яйрайман.
Лекин сизни тоғ дегим келмас,
Боғ ҳам дейман.
Сиз мен учун ҳамиша сизсиз
Шуниси яхшику аслида
Мен эса менман.
Олдингиздан оққан анҳор эмасман.

ЯЛПИЗ

Шаҳарга бир ўсмир келар энтикиб,
Эрта туриб, ҳали кун чиқмай.
Саватида хуш исли ялпиз,
Қишлоғидан опкелар атай.

Кўчаларда ялпизнинг ҳиди,
Одамларни тортар ўзига.
Битта кампир қўлига ушлаб,
Пичирлайди, суртар кўзиґа.

Ўсмир бола шаҳар кезади,
Қўлларида бир сават баҳор.
У шаҳарга севинч улашар,
Кўзларида олам севинч бор.

Бир ажнабий тиқилиб туриб,
Бу нимадир, нечук гул дейди.
Танноз аёл лабини буриб,
Ялпизларинг неча пул дейди.

Ялпизлари кетар сочилиб,
Содда бола қоқилар илкис,
Пичирлайди, бу ахир баҳор,
Бу пул эмас, бу ахир ялпиз.

ФАЛСАФА

Вақт чирпирар -
Шўх раққос.
Охангсиз куй, беовоз қўшиқ,
Таъсирида ўтказаман кун.
Рақс тушаман Вақт билан шодон,
Ва сезиб қоламан кичкина бушлик.
Пайдо бўлди кўксимда качон.
Тушунолмай қоламан беун,
Яшашнинг маъноси осмондай кенгу,
Бирор чеккасидан бўлмайди ушлаб.
Мен фақат ўзимни, ўзимни енгиб,
Яшашим шарт энди
Куйганман бошлаб.
Не қилиб бўлсада яшашим керак.
Кундан кун сеҳрли ҳаёт қўшиғи.
Кенгайиб бормоқда кундан кун юрак.
Кенгайиб бормоқда юрак бўшлиғи.

ЯШАМОҚ

Яшаш қандай яхши...
Қор ёғар унсиз.
Хотирани оққа ўрайди,
Қор тагида қолиб кетган из.
Бир қуёшли кунни сўрайди.

Яшаш қандай яхши...
Оппоқ дунёнинг
Битта чеккасидан боқдим қорайиб.
Бошимдан тўкканча оппоқ қарғишлар,
Осмоннинг кўзлари кетди олайиб.

Вақт ўтади...
Бир кун қорлар кетишар
Тутишиб куёшнинг этакларидан
Кетишар воз кечиб далли девона.
Бу дунёнинг ёлғон эртакларидан.

Яшаш қандай яхши...
Хилма-хил ранглар.
Тўлдирди сенумен билган анҳорни
Изларнинг излари қолган тупроққа.
Баҳорни экамиз, маъсум баҳорни.

ОМОНАТ

(Адолат посбонларига)

Омонат дунёда сўз ҳам омонат
Сўзга қараб қолган дўст ҳам омонат
Лекин қонун деган буюк куч борки
Ҳеч бир сўз тонолмас, қилмас хиёнат.
Омонат дунёга елкасин тутган,
Қонун посбонлари, бўлинг саломат,
Дунёга инсон ҳам омонат келган,
У билан ишқ, меҳрсадоқат келган.
Инсонлар яшайди. Иймонувиждон,
У билан риё ҳам хиёнат келган.
Омонат инсонга елкасин тутган
Номус посбонлари бўлинг саломат.
Ватан тушунчасин сарҳади борми,
Миллат чегараси қаердан ўтмиш.
Эсланг Темур туғи тутган виқорни,
У ўз авлодидан неларни кутмиш.
Миллат ташвишига елкасин тутган
Ватан посбон бўлинг саломат.
Тинчлик Оллоҳ, берган эҳсондир бугун,
Қушни эл осмонида сузганда тўтун.
Оталар дуода қилишар такрор,
Қалқон кўксингиз бўлсин омон.
Оталар орзусига елкасин тутган
Тинчлик посбонлари, бўлинг саломат.
Бугун элнинг бутун назари сизда,
Эл тотган ташвишнинг озори сизда.
Порлок кунлар томон йўл тўтган карвон,
Қадамларин тутган мадори сизда.
Сиз омон бўлсангиз, омон адолат,
Адолат посбонлари, бўлинг саломат.

ҚАЛБ ОСМОНДИР

Қалб осмондир.
Кенг, беғубор.
Билганлар доим
Қуёш бўлиб, оташ бўлиб кирурлар унга.
Соф нурила силабсийпаб, суйиб мулойим,
Шундан ҳаёт айланмишдир ёп-ёруғ кунга.
Қалб осмондир.
Билганлар бор, билмаганлар бор.
Кибор билан киришувлар мисоли бир ой,
Қоронғи тун йўлларида бўлишгач абгор,
Юлдузлардан мадад сўрар ул "тулин" чирой,
Осмондир
Эҳ, шамоллар бефайз, беқувонч,
Булутларни ғийбатчидек қайдан йиғдингиз.
Бу булутлар орасида йўқолди ишонч,
Тирқишлардан ҳувиллагач сохта йиғингиз.
Қалб оосмондир.
Кани кимга топулур журъат.
Чақмоқ бўлиб чақнанг, титинг булутлар кўксин,
Ўзимизга қолсин софу кенглиги фақат,
Аламга чидолмасдан булут ёш тўксин.

МЕН ТОНГНИ КУТАМАН

Тонгни кутиб бедор уйқум келмайди,
Зеро ҳали тундир, қоронгу кеча.
Билмадим, менинг каби тонгни кутарми
Кўқдаги тўлин ой, юлдуз бир неча.

Юрагим увишиб кетар орзиқиб,
Мен тонгни севаман ҳаётдан ортиқ.
Мен уни кутаман бедор зерикиб,
Унга йўғ борим этгумдир тортиқ.

Ахир тонг келмаса, келмайди кундуз,
Одамлар кўзини очмас уйкудан.
Тун қўйнида мендай ким уйғоқ ёлғиз.
Тонг келмаса, ўлиб қолгум қайғудан.

Одамлар, оқ тонглар келар оқариб,
Ғафлатда қолмангиз, туринг, уйгонинг.
Қора тун куйнида қолмангиз кариб.
Сиз ёруғ ҳаётни симиринг, қонинг

Кечалари уйғоқ, тонгни кутаман,
Ёруғ кунлар учун қилдим ибодат.
Қора тунда кўрдим мен кабоҳатни,
Қора тунда қолур қора хиёнат.

СЕН МЕНГА БЎЛДИНГ МАФТУН

Кеч қорайди.
Чукди тун.
Хаёлларинг пойига
Сен суқланиб қарадинг,
Унинг юлдуз ойига,
Сеҳрига бўлма мафтун.

Тунла бўлсанг ҳамсуҳбат,
Юрагинг қолсин бутун.
Мен-ла бўлмоқлик учун,
Мен-ла қолмоқлик учун,
Сен тунга бўлма мафтун.

Қора туннинг рангини
Қароғимга жойлагум.
Сенинг олов кўзингни,
Кўз нурим-ла бойлагум.
Сен менга бўлгин мафтун

Рашкданми, аламданми?
Оқариб кетмоқда тун.
Қаро тун оғушида
Сен менга бўлдинг мафтун.
Сен менга бўлдинг мафтун.

ТУН

Қаерландир кириб келди тун,
Сир-сеҳрли ертакка ўхшаш.
Тунд бўёқлар чаплашиб буткул
Кўз ўнгимда тикланди хабаш.
Ой ялтирар.
Бир пой ҳалқаси
Занжи учун, о нақадар зеб,
Ғафлат бутун уни алқасин,
Ғамларимга шерик бўлди деб.
Тун судралар ғамгин ва ҳоргин,
Сув юзида сузгандек туман.
Ҳаммасини унутса лекин
Биргини сўз; "Қораманми ман?!"
Кўз ёшларин ютади хабаш,
Юлдузлари қалбга бекинди.
Ва тонг қизи Дездимонанинг
Оёғини ўпиб чекинди.

СОҒИНЧ

Ёмғир ёғар йиғлайди булут,
Фақат шамол эркин елади.
Ташвишларим бўлди унут,
Мен онамни кўргим келади.
Йўллар узоқ, билет сотилган,
Автобусга одам тўлади.
Тикилганча қизгиш уфққа,
Мен оманни кўргим келади.
Қайтгим келмас бари-бир йўлдан,
Соғинчимга алам қораман.
Мана онам, хаёлчан қизинг,
Тушларингга кириб бораман.

ОРЗУИМ

Орзуим бор менинг юз йиллик,
Сарғайиб кетибди тахларим.
Бўйидан уфириб турибди
Юз йиллик сандиқларнинг оҳлари.
Юз йилки бир байрам кутгайман,
Орзуимдан оқ кўйлак тиккайман.

Орзуим ўзига сингдирди
Замоннинг юз йиллик ғуборин.
Ювмоққа эритиб тиндирдим
Юз йилда йиғилган тоғ қорин.
Эй куёш, сен менга мадад бер,
Эй бардош, сен менга кувват бер.

Юваман қўлларим қавариб,
Давронлар гардини не замон.
Орзумни қўритиб бермоқда,
Турналар солади ип-аркон
Турналар катори бузилиб,
Ип-арқон кетмасин узилиб.
Юз йилки бир байрам кутгайман
Орзуимдан ок кўйлак тиккайман.

. . .

Турмуш тўзонларида соврилар умрим,
Ўйу фикрим мисоли хас.
Кук томон ичди
Мен эса бир нафас муаллак турдим,
Сўнг ўзимга кайтдим.

Бўғдойдай тўкилдим,
Кўксимни қучдим,
Юрагимда ётиб ўса бошладим,

Ҳаёт неча керак бенур бесамар.
Ўсавердим.
Ёрдим ўз юрагимни.
Ўсавердим кўк томон чўзилиб,
Эркин учган ўйларим қадар.

СЕН МЕНДАН ҚЎРҚМА

Сен мендан қўрқмагин,
Чўғ каби сачраган сўзимдан қўрқма.
Нигоҳимга тоғлар уқладим,
Лекин ўлдиролмас, кўзимдан қўрқма

Сен мендан қўрқмагин,
Юрибман хотиржам ўзим йўлимдан,
Сени ўлдиришни хоҳларман балки
Лекин келмас ишон, бу иш қўлимдан.

Сен мендан қўрқмагин,
Қўрққин ўзингдан.
Ўз бошинга ўзинг бало бўларсан
Қўрққин ўзинг айтган сўзингдан,
Айтган сўзларингдан адо бўларсан.

КИТОБЛАР

Жавонда китобларим суяшиб бир-бирини,
Махзун сукут сурадилар нимадандир ўйланиб.
Қулга олиб варакларга ташласам кўз кирини,
Сирларини очадилар шошиб-пишиб суйланиб.

Ўқийвериб-ўқийвериб эскитганман кўпини,
Баъзиларин хали-хануз охорлари сақланган.
Баъзилари уруш кўрган, кўрган душман ўқини,
Баъзилари қамалган, яна кейин оқланган.

Ич ичига яширганлар сирли сўзни, ҳақ сўзни,
Менга махзун кўринарлар, гўё кўнгли синикдир.
Назаримда улар мендан узмайдилар ҳеч кзин.
Улар мени кутадилар, улар менга интикдир.

Унутиш бу йўқотишдир, фалокатнинг бошидир,
Китоблар замонларга хотиралар ташийди.
Варақларда излайман мен унутган ўз сўзимни,
Китоблардан излайман мен унутилган ўзимни.

АҲМАД ЯССАВИЙ ХОТИРАСИГА

Бир сўз бордир тошни ёрар,
Тошдай қотган бошни ёрар.
Ёмаганни ёндирар,
Чанқоқ дилни қондиради.
Уни айтмоқ осон эмас,
Айтиб кайтмок осон эмас.
Айтгин фақат бўлсанг ҳалол,
Туғри айтгин қилма увол.
Шу сўз бордир, бордир инсон,
Шу сўз билан жумла жахон.
Айтмай аввал инсон бўлгин,
Шу сўз учун қурбон бўлгин,
Ғафлат босмай, бўлгин огоҳ.
Бу сўз хакдир, бу сўз "Оллох".
Мен шу сўзни излаб келдим.
Гоҳо топдим, гоҳ йўқотдим
Мен шу сўзни излаб кетдим.
Бақо сари кундай ботдим.

ТАШҚАРИДА ЙИҒЛАЙДИ ШАМОЛ

Ташқарида йиғлайди шамол,
Деразамга бошини урар,
Нозик чечак бўлганча беҳол
Нафис биллур гулдонда турар.
Увилларкан шамол тинимсиз,
Чечак кетмоқ истар бу ердан.
Оҳ, қувончи бўларди чексиз,
Шишага ҳам жон кирса бирдан.
Деразанинг тугар бардоши,
Юборади ўзини очиб
Қувган каби кимдир аёвсиз.
Шамол кирар хонамга қочиб,
Урилдию гулдонга кетди.
Чечак билан шўх ўйнаб, учиб,
Шишага ҳам жон кирди лекин.
Бу жонидан юборди кечиб.
Биллур гулдон синади чил-чил.
Ва шу билан бошланди сукўт,
Шамол гойиб. Ерда ётар гул,
Ташқарида тарқалар булут.
Ёмғирдан сўнг очилган ҳаво
Юзларида кўринмайди гард.
Бехос гулдон синиқларида
Сина бошлар нурлар ложувард.

ҚАНОТ

Бир замонлар менинг улкан қанотларим бор эди,
Гурўғлидек ёруғларим, Ғиротларим бор эди.
Ишонганим Алпомишлар учқур Бойчибор бор эди,
Бугун менга қанот керак қани менинг қанотим.

Дардинггизни Сино каби кўзингиздан англардим,
Булбуллар навосини Навоийдан тинглардим.
Яссавий ҳикматларин тасбеҳ каби ағдардим,
Бугун менга қанот керак кани менинг қанотим.

Бухорийни ўстирибдир, шу тупроқни ўпарман,
Олтин бешик авлодларни ўз юртимдан топарман.
Қачонгача яшайверар юрагимда ук-армон.
Бугун менга қанот керак, қани менинг қанотим.

Кеча ўтди Чўлпонимнинг кундузларин изларман,
Самарқандда Навоийнинг кўт-изларин изларман
Ҳайиқаман, сесканаман Темур руҳин изларман
Бугун менга қанот керак, қани менинг қанотим.

Замон ўтиб қанотларим толиқибдир, толибдир,
Сина-сина орзулари кафтдек бўлиб колибдир
Улкан қанот авлоди бу кўлим бугун ғолибдир,
Бугун менга қанот керак, мана менинг қанотим

ДЕҲҚОН ВА ТУПРОҚ

Осмон тирқишидан увиллаб аёз,
Ёмғир тиниб, қорлар келар учқунлаб
Деҳқон умрин ямламай хазм этди ёз,
У далада қолар энди уч кунга.

Лекин бу уч кунлар такрор ва такрор
Айланиб, айланиб келаверади.
Деҳқоннинг умрини совуриб беор
Қиш шамоли қорли елаверади

Аччиқ изтироблар аёздай аччиқ,
Бир сиқим тупроқ турар қўлида.
Дала деҳқон каби бағри кенг очиқ,
Деҳқон умри тўкилди далада.

Ер-угуг, ер-кўтлуг, ердир бебаҳо,
Ер бизни боқади, деймиз баралла.
Лекин биз деҳқонни унутиб гоҳо
Байрам хақида тўқиймиз ялла.

Қадоқлари фақат қўлларидамас,
Она ер ўпади оёкларини,
Баъзан у далага чиққиси келмас,
Лекин ўйлар яна ҳар ёқларини.

Эл қатори яшаб ўрганган деҳқон,
Элдан чиқмайман деб чиқар далага.
Ерда ундим, ерда ўсдим, ерда ўлигим,
Ердан чиқмайман деб чиқар далага.

У ахир деҳқондир, у аҳир деҳқон,
Деҳқонга ер керак, фақат ер керак.
Пешона шўрини ювиб кетувчи,
Умрига арзирли меҳнат, тер керак.

Деҳқонни Она Ер тушуна олар,
Бу меҳнат эмасдир, бу муҳаббатдир.
Деҳқонга Она Ер ишона олар,
Бу меҳнат эмасдир, дилдан суҳбатдир.

Бир-биридан каммас икки заҳматкаш,
Ер бўлсанг ер бўлар, дейдилар халқда.
Унсиз сўзлашади икки меҳнаткаш
Бир-бирининг аримаган шўрлари ҳақда

ПИКАССО КАБУТАРИ

Тумшуғида зайтун баргини олиб,
Ер шарини айланиб учар кабўтар.
У кўрқмасдан қолоқдан қаноти толиб,
Тоғлар, денгизларни ишончла ўтар.

Чўчитманг уни сиз, манзили узоқ,
Мақсадга етолмай қийналар ҳамон
У оддий каптармас, қуймангиз тузоқ,
Қалбида яширин эзгу бир армон.

Шамоллар, булутлар тўсманг йўлини,
Толиққан қанотга бўлингиз тиргак.
Одамлар, одамлар тўсманг йўлини,
Тинчлик ҳаммамизга, эмасми тилак.

ХИЁНАТ

Иблислар изғиган кечада
Бир аёл чиқади кўчага.
Ҳовлисида мунғайган майса,
Садоқатни босиб кетар у
Ва эрининг камтар севгиси
Дастурхонни кўрик осиб кетар у
Ўти ёнган, чўғи ўчмаган,
Қчоғидан хатлаб ўтади.
Ерда қолган тиғи кўчмасдан,
Пичоғидан хатлаб ўтади.
Орзулари қамалиб қолган,
Сандиқларга заррин сарполар,
Ташлаб чиқар ҳаёт беланган.
Сумаклари тилло бешикни
Ташлаб кетди така илинган
Остонаси тилло эшикни
Излагани унинг муҳаббат
Учрагани ғафлату-ишрат
"Кўчаларда муҳаббат эркин
Кўчаларда муҳаббат текин"
Сўқир аёл, йўлингдан қайтгин.
Бир оз ўйла ва ўйлаб айтгин.
Муҳаббатми эркин муҳаббат,
Муҳаббатми текин муҳаббат.
Муҳаббатнинг номини сотма,
Фоҳишасан десам тош отма.
Сен уйингдан - ватандан кечдинг
Тоза либос пок тандан кечдинг.
Биламан не кезар уйингда,
Билмайсан не кутар уйингда.
Очолмайсан энди эшикни,
Тебратмайсан энди бешикни.
Сандигинг кўтади аждаҳо бўлиб,

Оғзидан чиқариб аланга.
Юрак бағри тутунга тўлиб
Йўлларингни тўсиб кутади..
Садоқатнинг ранглари сарғиш,
Тикон бўлиб осиб кўтади.
Тандирингда ёпилар карғиш,
Учокларинг сени тўтади
Иблислар изгиган кечада
Аёллар чиқмангиз кўчага

АЛЛА

Кўкда ой кўринди
Олтин беланчак.
Майсалар ухлайди,
Ухлайди чечак.
Тун-ром кўрпаси,
Ухлагин кўзим.
Сен ҳам ором олгин,
Киприкларинг юм.
Ҳамма ухлаябди
Сен - мендан бўлак.
Нега ухламайсан
Безовта юрак.
Онам алласини
Эслайман бир зум
Уйқумас, согинчдан
Ёшланар кўзим.
Ухлатайин дея
Бешта боламни.
Такрор-такрор айтдим
Билган алламни.
Уйларимда онам
Алласи елди.
Мен ҳам алла тинглаб
Ухлагим келди.

ТАҚДИР

Ўттиз йил яшабман, бу ўттиз йилда
Қанча аламларни чайнамай ютдим
Кангча аччикларни едим, лек доим
Одамлардан бирон ширин сўз кутдим.

Нордон таъналарни эшитдим кўпроқ,
Ёлғон мақтовларни эса олмадим.
Билмадим, мен тотиб кўрмаган яна
Бирор туйғу қолдимикан, ёки қолмади.

Олдимизда очиқ тўкин дастурхон,
Бу беш кунлик дунё байрамдир аниқ.
Билиб бўлмас, бу биз севган ёруғ оламнинг
Хуш олувчи шароблари сув каби тиниқ.

Турмуш неъматлари аччиқми - чучук,
Олдимга қўйилар, давомий базм.
Уларнинг барисин юракка едим,
Бариси юракда бўлади ҳазм.

Томирда қон эмас, қоришиб оқар,
Ёлғону хақиқат, муҳаббат, нафрат.
Оҳ бу ҳаёт менга қанчалар ёқар,
Ёқмас ташлаб кетмоқ буларни факат.

ЗАМОНАМИЗ АЁЛЛАРИГА

Қаддин тиклаётган мардона халқим,
Тонгларга туташган кунинг муборак.
Жонни ларзага солишга қодир,
Ёрқин овозларинг, унинг муборак.

Атрофларингда дўстлар, йўлдошларинг бор,
Порлоқ кунлар сари йўлинг муборак.
Дилларда чаманлар очилаётир,
Шабнамга чалинган гулинг муборак.

Энди кунларингмас, ҳафталарингмас,
Йилларинг байрамга айланаётир.
Ташвишларни бошдан ошириб ташлаб,
Аёлларинг байрамга шайланётир.

Бу байрам муҳаббат байрами асли.
Бу йил байрамидир ишқнинг, вафонинг,
Бу байрам садоқат байрами асли.
Юзларида яширинган ҳаё ибонинг.

Тўйларни бошлаган ялла байрами,
Қўшиқлар байрами муборак бўлсин.
Оналар байрами, алла байрами,
Бешиклар байрами муборак бўлсин.

Байрам тўй бордирки, муборак бордир,
Яхшиларга яхши бир тилак бордир.
Тилай безагиз дурларга тўлсин,
Қалбингиз илоҳий нурларга тўлсин.

Бошлаган ишингиз барорли бўлсин,
Юрган йўлларингиз қарорли бўлсин,
Юрар йўлингизда чечаклар унсин,
Сизга тош отганинг қўллари синсин,
Оллоҳ дилларингиз нурафшон қилсин,
Оллоҳ йўлингизни нурафшон қилсин.

ЭЪТИРОЗ

У шоир эмасдир, асло шоирмас,
Шу гапни уқтириб шогирдларимга.
Дебсан шеър ўкишга хатто қодирмас,
Гард қўшибсан ўзинг дил гардларингга.

Шоирлигим ҳали ўзим тан олмам,
Парво қилмам, одамлар нима деса дер.
Мен агар оламга машҳур бўлсам ҳам,
Сенинг даврангда ҳеч ўкимасман шеър.

Шеър мансаб эмас-ку, шеър бойлик эмас,
Қалбим сўзларига куй басталадим.
Шеър дардим.
Мен эса шу дард билан маст,
Ҳатто кўролмабсан шу хасталигим.

Ичингни кемирган илон нимадир,
Нечун кузатасан йўқ борлигимни.
Шоирлигим ёқмаса-да лекин барибир,
Инкор этолмассан Дилбарлигимни.

ТОНГ

Кундузни севарди навқирон ҳаёт,
Унга бағишлади буткул ўзини.
Лекин тугамади бу ишкий баёт,
Умри кекса экан кундузнинг.
Ҳаёт қора кийиниб олди,
Аза очди ўтган кундўзга.
Ой чеккада мунграйиб қолди,
Аламларин сочди ўолдуздай.
Мени уйқу элитмиш андак,
Уйғотди шитирлаб этаклар.
Оқ либосда оппок келинчак,
Ҳаёт тонги келар етаклаб.

ШОИРНИНГ ЮРАГИ

Қалам билан ёзиларми шеър?!
Асло!!!
Бу қаламмас,
Бу оддий ханжар.
Юрагимнинг туби-тубида
Яширинган туйғулар излар
Тилка-тилка бўлиб юрагим
Қизғона-қизғона туйғулар берар.
У эса шошмасдан, батартиб,
Таржима қиларда сўзларга,
Фикрдан ип тортиб
Мунчоқдай терар.
Шунинг учун шоир юраги
Сизникига унча ўхшамас
Атиргулга ўхшайди кўпроқ,
Тилка-тилка, япроқ-япроқ.

ИНСОННИ ТУШУНИШ

Билмоқ учун осмонинг осмонлигини,
Унга учмоқ керак.
Юракни қанот қилиб,
Уни кучмоқ керак.
Ушлаб кўрмоқ керак,
Чақмоқ қамчисин.
Тотиб кўрмоқ керак,
Ёмғир томчисин.
Билмоқ учун уммоннинг уммонлигини
Унга ботмоқ керак.
Тош бўлиб тўлқинларга,
Ўзни отмоқ керак.
Тушуниб тўфондек қилиқларини,
Тилга солмоқ керак.
Кўпни кўрган балиқларини,
Билмоқ учун заминнинг заминлигини.
Унга уруғ бўлиб,
Кўмилмоқ лозим.
Ва унинг бағрида,
Туғилмоқ лозим.
Сўнгра томир отиб,
Ўсишинг керак.
Келган балолардан,
Тўсишинг керак.
Билмоқ учун инсоннинг инсонлигини
Нима қилмоқ керак,
Не қилмоқ керак?
Инсони тушунмоқ,
Жуда ҳам қийин
Яхшиси бу саволдан
Чекинмоқ керак.

ЎЧИРГИЧ

Хатоларни ўчира олишга қодир,
Ўчирғич бўлса-ю топиб олсангиз.
Ёки сотар бўлса бирор савдогар,
Нархини келишиб сотиб олсангиз.

Қанча турар эди битта ўчирғич,
Нари бўлса бир умрлик савобингга тенг
Бундай арзонига ким ҳам кўнарди
Ўша савдогарга бориб раҳмат денг.

Хатоларни ўчириб бўлманг ҳотиржам,
Яшириб сақлангиз кўз кўрмас жойда.
Ҳали улгурмаган хатолар учун,
Ҳали керак бўлар, беради фойда.

ВАҚТ ЎТАР

Шучаки ўтмайди
Сиқади, эзади, қийнайди бизни
Ва яна юпатар, кўндирар, алдар,
Ҳеч кимга кўрсатмай йўқотар изни.
Вақт ўтар
Шунчаки ўтмайди
Ҳар йўллар топади бизни синашга.
Сочинг оқарганин сезмай қоларсан,
Имкон ҳам топибди бошинг силашга.
Вақт ўтар.
Вақт шошар, кутмас, тўхтамас.
Йўл-йўлакай бажарган юмушларин кўр.
Не ишлар қиларди агар тўхтаса.
Йўқ!!!

Бундай даҳшатни этмам тасаввур.
Қуёш ёна-ёна нур таратгандай
Ер борликка сочади шовқин.
Бу шовқин ҳаммани тортар домига
Уммон каби чайқалади, уради тўлқин.
Вақт ўтар.

ҚУЛАЙСИЗМИ ТОҒЛАРДАЙ ЖЎШИБ...

Тоғларим тошин ҳам камситманг сира,
Тоғларим қалбига солмангиз алам.
Тоғларсиз гўзаллик тунд ғира-шира,
Гузалликнинг ўзи тоғларга қарам.

Қўрқдингизми ёки тубсиз жарликлар,
Мункайган қоялар важоҳатидан.
Силсилалар тўсган кўп гўзалликлар,
Сизга кўринмабди парда ортидан.

Тонг пайти офтобнинг тиниқ нурлари,
Қорли чўққиларга суртганда зарҳал.
Этакларда турфа чечак, гулларнинг,
Кўрганмисиз нафис рақсин ҳеч маҳал?

Оппоқ қор рўмолин сидириб бошдан,
Дарёга оқизиб юборган қоя.
Жилваланса нурни олиб қуёшдан,
Бунинг таърифи ҳеч топмас ниҳоя.

Чўққига ёнма-ён айтсангиз қўшиқ,
Жўр бўлмасми улар акс-садо бўлиб?!
Ҳайқириб пишқирган сойлардай тўлиб,
Қуйлай олдингизми тоғликдай жўшиб?!

КЎЗ ЮММОҚ ОСОНМАС...

Қалб кўзини очмоқ учун кўзларингни юм.
Кўз юммоқ осонмас,
Асло осонмас.
Ҳаётнинг ширин ташвишларидан
Сизни ноз-неъматла сеҳрлаб олган.
Бу дунёнинг боғубеҳштларидан
Қалб кўзини очмоқ учун кўзларингни юм
Кўз юммоқ осонмас.
Ширин сўз билан.
Ширин бўса билан севгиман дея
Қўлларингга узук таққанда никоҳ
Бир умр ўй билан ўтади умринг,
Унинг кимлигидан бўлолмай огоҳ
Кўз юммоқ осонмас.
Лекин кўз юмгин.
Англасанг ҳам, англолмадим де,
Тушунсанг ҳам, тушунмай тургин
Кўнгли бўшлик қилаверма кўп,
Ечилмасдан қолса ҳам тугун.
Кўнгли бўшлик энг ёмони шу,
Недан кўз юммоқни урганиш қийин.
Ҳаёт камалаги ажиб жилвакор,
Ҳаёт шаббодаси нақадар майин.
Кўз юммоқ осонмас,
Лекин кўз юмгин.
Кўз юмгин, кўз юмгим, яна кўз юмгин,
Бағритош бўлолгин ўзинг-ўзингга.
Кўнглингда кичкина тош пайдо қилгин.
Шу тош гавҳар бўлсин қалбинг - кўзингга,
Қалб кўзи очмоқ учун кўзларингни юм.

О, КЎНГЛИМ

Кўз олдинда яшнаб, пирпираб учган,
Капалакка мунча қиларсан ҳавас.
У гулдан бу гулга дамо-дам кўчган
У оддий ҳашорат, мужиза эмас.

Чириган ҳазонлар ичра неча ой
Судралиб яшади, ундан сўраб кўр.
Тош ғумбак ичида қанча умрини,
Қамалиб утказди, пешонаси шўр.

Ҳаммаси бир кунлик рўшнолик учун,
Қанчалар машаққат, қанчалар азоб.
О кўнглим, хавасининг кенглиги учун
Азобларга сен ҳам берармидинг тоб.

Ишонмайман ҳали сўрмасдан туриб,
Чидармидинг чириган ҳазонлар ичра.
Ёки капалакка айланмай, ёриб
Ғумбакни портлатиб қилардинг парча.

О кўнглим, шукур қил капалак эмас,
Менинг содда кўнглим бўлолганинга.
Мен эса хурсандман, ҳар қалай ўзинг,
Шундай гўзалликни кўролганингга.

СУЯНЧИҚ

Аввал соз кирди.
Қўлида ўткир қалами билан.
Секингина томоғин ққирди
Фикрни уйғотди
саломи билан.
Бирдан сапчиб кетди,
Чақнади Фикр.
Сўзни охиригача эшитмай туриб,
Кўчага отланди шошилганича.
Барча режаларин чеккага суриб.
Қаерларга бормади Фикр.
Излаганча керакли сўзни
Ҳар оламга кирди бирма-бир.
Не тоғларга урмади ўзни,
Остонада туриб қолди Сўз.
Ташрифидан бироз ўйланиб
Шеърнинг бошланишин кутди тонггача
Ялонғоч каламга сўйланиб.

ТОНҒГИ ШУДРИНГ

Баҳор бўлсам,
Гар Баҳор бўлсам,
Этагимни ўпармиди Ер.
Осмон бўлсам,
Гар Осмон бўлсам
Нур қуярми бошимдан Қуёш
Дарахт бўлсам,
Гар Дарахт бўлсам
Сайрармиди қушлар бағримда.
Шамол бўлсам, югурсам, елсам,
Бўлардим учкур ва бебош.

Дарё бўлсам,
Гар Дарё бўлсам
Кетар эдим саҳро оралаб.
Ҳеч булмаса асаларидек
Яшасайдим гуллар саралаб.
Қани энди шудринг бўлсайдим,
Тонг енгига ёзар эдим шеър.
Оҳ, мен қандай эркин бўлардим,
Бу одам нима деса дер.

ЭРТАГИМ

Эртагим сирингни соч,
Нега бору йўқ экан.
Бойнинг кўзи доим оч,
Камбағаллар тўқ экан.

Эртагим кўй эскини
Нега бори, нега йўқ.
Ботирларни кўксини
Ростдан тешолмасми ўқ.

Эртагим кўп қадимсан,
Кимлар бору кимлар йўқ.
Душман келар одимлаб
Дўстлар ўхлар, кўнгли тўқ.

Эртагим уйғотиб айт,
Эртак каби замон йўқ.
Эртакдаги ҳақиқат
Қачон бору, қачон йўқ

МЕН БОРМАН

Мен бордирман борлар ичида,
Йуқоламан гоҳ йўқлар билан.
Қораяман қоралар билан,
Оқраман мен оқлар билан.

Оҳ бўламан, оҳлар ичида,
Севинаман севинчлар билан.
Гул бўламан гуллар рақсида,
Ўкинаман ўкинчлар билан.

Ким у, мендан шубҳаланмоқда,
Нега айри назар ташлайди.
Яшаяпман ҳаммага ўхшаб,
Ҳамма менга ўхшаб яшайди.

* * *

Аёл чиқар далага,
Ёришади энди тонг.
У билан йўлга тушар,
Нон тугилган дастурхон.
Ёнида кетмоқдадир
Уйқусираб боласи.
Дудоғида кетмоқда
Тугамаган алласи,
Бир қўлида гўдаги
Бир қўлида ел бешик
Ортидан секингина
Оғзини қулфлар эшик
Кечгача йўлларида
Тўрттда кўзини тутиб,
Уйи уни кўтади
Остонаси ғам ютиб.

ОТАЖОН

Отажон, сиз эккан боғ яшнаб кўкарди.
Бошу узра яшил байроқ кўтарди,
Майсалар тўшалиб йўлларингизда.
Анвойи гуллардан даста тутарди,
Шу йўлларда қолган изингиздурман.
Орзунгиздек ёруғ юзингиздирман,
Отажон, келибди биз кутган кунлар,
Боғингизда қушлар бахт куйин куйлар.
Бу кунларни кимлар орзу қилмайди,
Бу кунларга ҳавас қилмайди кимлар.
Ҳаваслар ичида ҳавасингизман,
Дуода титраган овозингизман.
Ким сиздек боғ экмиш машаққат билан,
Қалбда бирдай мехр ва шафқат билан.
Келажакка устоз мураббий бўлиб,
Зиё, нур бердингиз не заҳмат билан.
Шу нурдан бир тола соф нурингизман,
Тоғлардан юксалган ғурурингизман.
Отажон, сиз каби устоз бўлдик биз,
Ҳаёт қўшиғига ҳамроз бўлдик биз.
Сиздек улуғликни орзулар ўилиб,
Гоҳо куй, гоҳида овоз бўлдик биз.
Оҳанги туганмас қўшиғингизман,
Орзуларга тўлган борлигингизман.
Отажон, мен сизга қўшиқлар айтсам,
Қалбимни қўшиққа қўшиблар айтсам.
Овозимни қўйиб авж пардасида,
Қанча айтсам камдир, жўшиблар айтсам.
Бу кунлардан сархуш хушҳолингизман,
Қалбингиздан ўсган ниҳолингизман.

ЙЎЛДА

Чайқалади яшил буғдойзор,
Каттагина қишлоқ ёнма ён
Ҳар юракда яшайди озор,
Бугун ким омондир, эрта ким омон.
Шаҳар томон узалган умид,
Торайиб бормоқда ёлғизоёқ йўл,
Йўл ёқаси очиқ буғдойзор,
Буғдойдан ҳам қўнғирбошлар мўл
Қовжираб пишади қўнғирбош,
Чекка уватларда мунғайиб
Кута кута бошоқларнинг сарғайишини,
Одамлар етилар сарғайиб. . .
Ҳали замон яхши кун келар,
Чайқалади ям-яшил бошоқ.
Қўнғирбошни туяр келилар,
Чайқалади қўнғиртус қишлоқ.

ЧИЗҒИЛАР

Ёлғиз япроғини бағрига босиб
Йўл четида турар
Дарахт интизор.
Не кўтар,
Олдида унинг зимистон,
Ортида қолгани кузу, ёз, баҳор.

* * *

Тун асли кундуздир
Йўқотиб қўйгандир
Ёлғиз қуёшин.
Юлдузлар кўз ёшидир.
Куйиб куйиб йиглаётган
Туннинг кўз ёши.

* * *

Нигоҳинг қарғайди
Бағри тош дея,
Ўкинмай деб, топиб
Бир иложини
Сўзлайман:
- Хоҳласанг, шу бағир тошим
Бир кун безагайдир бахтнинг тожини.

* * *

Айланма йўлларнинг четида,
Энг доно дарахтлар анқайиб.
Қўшилолмай йўловчиларга
Туришар ҳайкалдай қаққайиб.
Иложини излаб топардик,
Йиғиштириб қўйиб ҳазилни.
Юришарди шу кўчаларда,
Билишганда бирор манзилни.

* * *

Бу гул алданганин билди жуда кеч,
Тугиб қўйгач қатор ғунчаларини.
Кейинги баҳорини кўтади энди,
Баланд тутиб митти муштчаларини.

* * *

Бир дардим бор, кўксим ичра не йилларки сақланур,
Хаста кўнглим ишқ майидан ичса балки соғланур.
Дўстим менинг ҳамдардимдир, кўзларингдан кўраман,
Дилинг хуфтон бўлса ҳамки қароғингда сақланур.

* * *

Мен ўзингга ошиқдирман, менга ёр бўлмас ўзга
Сенингсиз бу руғ олам ҳеч даркор бўлмас ўзга.
Ишқ деган тилда эмас дилда бор бўлса яхшидир,
Изхор учун сўз излаб дўстим бозор бўлма сўзга.

ДИЛБАР ДОНАБАЕВА

ТОНГГИ ШУДРИНГ

ШЕЪРЛАР

Муҳаррир:	**Н. Ҳошимов**
Бадиий муҳаррир:	**М. Султонов**
Тех.муҳаррир:	**Ш. Ҳошимов**
Дизайнер:	**Р. Тошматов**
Оператор:	**Д. Ражабова**
Мусаҳҳиҳ:	**И.Қўзиев**

"Lider-press" нашриёти - 2009 йил.
«Дизайн-принт» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида офсет усулида чоп этилди. Буюртма № 172. Адади 2000 нусха. Хажми 4,25 б.т. Ўлчами 60x84 1/16

100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-уй.
Тел/факс -8-371-255-34-28
E-mail: dizayn_printpro@mail.ru